

"O'ZNEFTGAZIFORMATIKA" AJNING KORPORATIV BOŞQARUV TIZIMINI 2019 YIL YAKUNLARIGA KŪRA BAĖOLAŞ BŪYIČA XULOSA

"O'zneftgaziformatika" AJning (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса «INTELLIGENT ANALYTICS GROUP» MChJ Консалтинг компанияси (кейинги ўринларда – Компания) томонидан тайёрланди.

Компания Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида ўз фаолиятини Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази (*ҳозирги кунда - Ўзбекистон Республикаси Капитал Бозорини Ривожлантириш Агентлиги*) томонидан 07.05.2018 йилда берилган 1325 сонли лицензияга асосан амалга оширади.

Компания ўз фаолиятини «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, «Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида» ги Низом, ҳамда бошқа номатив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолаш ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.


Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (*ҳозирги кунда - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги*) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди.

Компания фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра "O'zneftgaziformatika" AJда к корпоратив бошқарув тизими даражаси **юқори** деб эътироф этилади ва корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг якуний натижаси **626 балл (ёки фоиз шкаласи буйича 52%)**ни ташкил этди.

Директор



Посикера Г.М.

Хулоса берилган вақти: 26.08.2020